

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЗИНАТУЛЛАЕВ ЗИЁДИЛЛА ИЗЗАТИЛЛА ЎҒЛИ

**VIII-XII АСРЛАРДА ИСЛОМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЁЙИЛИШИ
ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ЎЗГАРИШИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по историческим
наукам**

Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Historical sciences

Зинатуллаев Зиёдилла Иzzатилла ўғли

VIII-XII асрларда исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши ва бошқарув
тизимининг ўзгариши 3

Zinatullayev Ziyodilla Izzatilla o'g'li

The spread of Islam in Central Asia and changes in government in the VIII-
XII centuries 21

Зинатуллаев Зиёдилла Иzzатилла ўғли

Распространение ислама и изменения в системе управления в
Центральной Азии в VIII-XII вв. 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ. 41

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЗИНАТУЛЛАЕВ ЗИЁДИЛЛА ИЗЗАТИЛЛА ЎҒЛИ

**VIII-XII АСРЛАРДА ИСЛОМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЁЙИЛИШИ
ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ЎЗГАРИШИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Таг443 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiiau.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мунавваров Зоҳидулло Иномходжаевич
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович
тарих фанлари доктори, профессор

Умаров Шуқурилло Хурсандмуродович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Taг./F.57.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «___» сентябрь соат ___ даги онлайн/оффлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70), Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@iiiau.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (104-рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» августда тарқатилди.

(2022 йил «___» августдаги 8 рақамли реестр баённомаси.)

Д.Р.Махсудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмий жамоатчилиги тарафидан Ғарбий Европадаги Ренессансга туртки берган IX-XII асрлардаги Мусулмон Ренессансининг юзага чиқиши сабаблари ва уларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ушбу жараёнда исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши ва маҳаллий бошқарув тизимининг (نظام الحكم المحلي) ўзгариши оқибатида жамиятда илм-фан ва маданият тамомила янги босқичга кўтарилгани ва дунё тамаддунига ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшгани тарихий ҳақиқатдир. Бинобарин, ўрта асрлардаги Мусулмон Ренессансининг рўёбга чиқишида асосий омиллардан бири бўлган мусулмон бошқарувининг (الإدارة الإسلامية) нечоғлик муҳим роль ўйнаганини бирламчи манба ва илмий адабиёт асосида очиқ бериш долзарб аҳамиятга эга.

Дунёдаги қатор илмий марказларда Марказий Осиё минтақасининг ўрта асрлардаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихига оид муҳим тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур даврга бағишланган илмий изланишларда ислом динининг Ўрта Шарқ (الشرق الاوسط), Хуросон (خراسان) ва Мовароуннаҳр (ما وراء النهر) ҳудудларига ёйилиши, унга асосланган маъмурий-бошқарув тизимининг шаклланиш жараёнлари, минтақада юзага келган Биринчи Ренессанснинг мусулмон дунёси илм-фани ривожига таъсирини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларда ўн тўрт асрдан бери дунёнинг қатор давлатларида ўзининг тарихий илдизларини сақлаб қолган мусулмон бошқарув (الإدارة الإسلامية) тизимининг тарихий аҳамиятини тадқиқ этишга бўлган интилиш тобора яққолроқ намоён бўлиб бормоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда сўнгги йилларда ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини бирламчи манбалар асосида тадқиқ этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида ўрта аср муаррихларидан Аҳмад ибн Яҳё Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” (فتوح البلدان), Абу Бакр Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” (تاريخ بخارى), Ибн Ҳавқалнинг “Мовароуннаҳр” (ما وراء النهر), Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (سياست نامه) каби асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. VIII-XII асрларда ислом аҳкомларини ўзига сингдириб борган Марказий Осиёда шаклланган бошқарув тизими миллий давлатчиликнинг муҳим сегментларидан бирига айлангани, бунинг натижасида вужудга келган янгича миллий бошқарув тизими тамойиллари XX асргача ўз кучини сақлаб қолганини илмий ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 августдаги 572-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда ислом

цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертациядаги илмий янгиликлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммони илмий тадқиқ этилиш даражасини аниқлашда мавзуга оид манбалар ва илмий тадқиқотларни тўрт гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Биринчи гуруҳни ўрта асрлар манбалари ва уларнинг таржималари ташкил этади. Бу гуруҳга тадқиқотнинг бирламчи манбалари сифатида хизмат қилган Абдумалик ибн Ҳишом (691-743), Аҳмад ибн Яхё Балозурий (ваф. 892 й.), Муҳаммад ибн Жарир Табарий (839-923), Абу Бакр Наршахий (899-960), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Саъид Гардизий (ваф. 1061 й.), Низомулмулк (1018-1092), Ибн Асир (1160-1233) каби ўрта асрлар тарихнависларининг асарлари киради¹. Зикр этилган манбаларда келтирилган маълумотлар ўрганилаётган даврга яқинлиги ва кейинги даврлар олимлари талқинларидан холилиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Иккинчи гуруҳни совет даври илмий тадқиқотлари ташкил этади. Бу даврда совет шарқшунослиги дунёдаги етакчи илмий мактаблардан бири бўлган. Мазкур мактаб вакиллари томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ҳам ўрта асрлар тарихига оид муҳим маълумотлар ўз аксини топган ва уларга нисбатан ишончни кучайтирган. Бунинг асосий сабаби совет даври шарқшунослари тадқиқотлари асосан, бирламчи манбаларга таянганидир. Айни пайтда, улар динга қарши мафкуравий муҳитнинг асоратларини ҳам ўзида акс эттирган бўлиб, ушбу тоифага мансуб адабиёт билан ишлаганда, унинг мазкур хусусиятини назарда тутиш лозим. Бундай тадқиқотларнинг қамрови анчагина

¹ Абдумалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. Ас-сийра ан-набавийя/Таржимонлар гуруҳи. Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи Неъматуллоҳ Иброҳимов. Биринчи жилд. 1-2 китоблар. – Тошкент: Шарқ, 2011; Абул Аббос Аҳмад ибн Яхё ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: ТошДШИ, 2017; Ат-Табари. История ат-Табари./Избранные отрывки / Пер. с араб. В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. – Ташкент: Фан, 1987; Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991; Абу Райҳон Беруний. Ал-осор ал-бокия ан ал-қурун ал-холия. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар). /Таржимон А.Расулов. Масъул муҳаррирлар: И.Абдуллаев ва О.Файзуллаев. – Тошкент: Фан, 1968; Абу Са’ид ‘Абд ал-Хайй б. Зоҳак Гардизи. Украшение известий//Бартольд В.В. Отчёт о поездке в Среднюю Азию с научной целью. 1897; Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк)/Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008; Ибн ал-Асир. Ал-камил фит-тарих. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии Ц.П.Булгаков. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камалидина. – Ташкент: Узбекистан, 2006.

кенг бўлиб, уларнинг орасида Л.Н.Гумилев, Б.А.Литвинский, В.В.Бартольд, О.Г.Большаков, Л.С.Васильевларнинг ишлари алоҳида қимматлидир².

Учинчи гуруҳга Ўзбекистон мустақиллиги йилларида амалга оширилган ва Марказий Осиё тарихи, этнографияси, давлатчилиги, суд-ҳуқуқ тизими, диний жараёнлар ва бошқа жиҳатларга бағишланган тадқиқотлар киритилган. Араб тарихчиларининг асарларидаги Марказий Осиёнинг фатҳ этилиши ва сиёсий бошқарув тизими ҳақидаги маълумотлардан ташқари, ушбу ўлка халқларининг араблар келгунга қадар даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, эътиқодий қарашлари, ташқи алоқалари ҳақидаги қимматли маълумотлар мазкур тоифага мансуб тадқиқотларда ўз аксини топганидир. Бу диссертация олдига қўйилган вазифаларни тўлиқроқ амалга оширишга ёрдам беради. Бундай тадқиқотлар қаторига К.Шониёзов, Ш.Камолиддинов, С.Қосимов, Ҳ.Дадабоевнинг ишларини киритиш мумкин. Шунингдек, Марказий Осиёнинг VII-VIII асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи ҳақида Ш.Шаякубов, Ғ.Бобоёров, А.Атаходжаев диссертацияларида муҳим маълумотлар мавжуд. Марказий Осиё халқларининг исломгача даврдаги диний эътиқодлари ҳақида А.Аширов ва Р.Уразованинг тадқиқотлари эътиборга молик. Илк ислом ва хулафои рошидун даври ҳамда кейинги сулолалар тарихига оид Қ.Зоҳидов, З.Шокирова ва Н.Ибрагимованинг тадқиқотларини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Ўрта аср муаллифларидан Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” (“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув қоидалари”) номли асарни илмий жиҳатдан тадқиқ этган ва тарих фанлари бўйича фалсафа фанлари достори илмий даражасини олган З.Жўраевнинг ишларини алоҳида такидлаш ўринли. Асарда X–XI асрлардаги мусулмон бошқарув тизими, ундаги мансаблар иерархияси, ер-сув масалаларини тартибга солиш, турли даражадаги мансабдорларнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳолатига оид қимматли маълумотлар ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда илмий анжуманларда ҳам сиёсий бошқарув тизими, дин ва давлат муносабатларига доир кўплаб мақолалар чоп этилган³.

² Гумилев Л. Древние тюрки. История образования и расцвета Великого тюркского каганата (VI-VIII в.в. н.э.). – Москва: Кристалл, 2003; Litvinskiy D.A. History of civilizations of Central Asia. Volume III The crossroadsof civilizations: A.D. 250 to 750 Editor: D.A.Litvinskiy Co-editors: Zhang Guangda and R.Shabani Samghabadi. Multiple History Series UNESCO Publishing, 1996.; Бартольд В.В. Халиф и султан. – Соч., – Москва: 1966. Т. VI; Бартольд В.В. Сочинения. I том. (Туркестан в эпоху монгольского нашествия) – Москва: 1963; Большаков О.Г. История Халифата. Т.II. Эпоха великих завоеваний. 633 - 656. – Москва: 1993. Второе издание. – Москва: 2000; Васильев Л.С. История Востока. I том. – Москва: 1998.

³ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001; Ш.Камолиддин. Саманиды: Из Истории государственности Узбекистана в IX – X вв. – Тошкент: 2019; Содиков Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент: Академнашр, 2018; Дадабоев Ҳ. Тарихий харбий терминлар лугати. – Тошкент: Университет, 2008; Шаякубов Ш. VI-VIII асрлар Марказий Осиё сиёсий тарихида Суғд (Суғд ёзма ёдгорликлари асосида): тар.фан.номз....дис. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2008; Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми: тар.фан.док....дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2012; Атаходжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларда Турк-Суғд муносабатлари: тар.фан.док....дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ, 2011; Аширов А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар (Фарғона водийси материаллари асосида): тар.фан.док....дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ, 2008; Уразова Р. Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти: Фал.фан.док.(Phd)....дис. автореф.. – Тошкент: ТИУ, 2017; Зоҳидов Қ. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари. (632-661). тар.фан.номз....дис. автореф. – Тошкент: ТДШИ, 2004; Шокирова З. Илк исломда сулҳпарварлик тамоилларининг тарихий-қиёсий таҳлили: тар.фан.номз....дис. автореф. – Тошкент: ТИУ, 2012; Ибрагимова

Тўртинчи гуруҳни замонавий хорижий тадқиқотлар ташкил этади. Мазкур давр бўйича илмий изланишлар олиб борган У.Л.Тредвел, Ю.Брегель, Ҳ.Вамбери, К.Э.Босворт, Иброҳим Кефес ўғли каби олимларнинг тадқиқотларида Сомонийлар даври, Марказий Осиёдаги ўрта аср давлатлари сиёсий хариталари, мусулмон бошқаруви ва номусулмон дунё бошқарув тизимининг қиёсий солиштирмалари, ўлка ҳақидаги бошқа нодир маълумотлар, жумладан, мусулмон сулолалари генеологиясига оид фикр-мулоҳазалар келтирилган⁴.

Юқорида келтириб ўтилган манбалар ва тадқиқотларга таянган ҳолда диссертацияда Марказий Осиё ҳудудига исломнинг кириб келиши натижасида маҳаллий бошқарув тизимининг тубдан ўзгаргани ва Мовароуннаҳрдаги кейинги сулолалар бошқарув тизимида ислом аҳкомлари асос бўлиб хизмат қилгани ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги 2020-2022 йилларга мўлжалланган 24/8-2020 сонли “Исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши: Мовароуннаҳрда диний-маънавий ва илмий-маданий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ислом динининг Марказий Осиёга кириб келиши натижасида минтақада янгича бошқарув тизимининг шаклланиш жараёнлари эволюциясининг ўзига хос жиҳатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрта асрлар Марказий Осиё тарихига оид манбаларнинг бошқарув тизими кесимидаги манбашунослик ва тарихшунослик таҳлилини амалга ошириш;

Марказий Осиё бошқарув тизими эволюциясига оид илмий-назарий ёндашувларнинг танқидий-қиёсий умумлаштирмаларини шакллантириш;

минтақадаги исломдан олдинги диний вазиятнинг бошқарувга таъсирини кўрсатиб бериш;

араб халифалигида девон тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши хусусиятларини асослаш;

исломнинг Марказий Осиёга ёйилиш жараёнлари тарихий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда маҳаллий бошқарув трансформациясига таъсирини асослаб бериш;

Сомонийлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги мусулмон бошқаруви жорий этилган илк маҳаллий сулола сифатидаги моҳиятини очиқ бериш;

Н. VII-XII асрлар ислом тарихига оид манбаларда Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқ алоқалари: тар.фан.фал.док.(Phd)...дис. автореф.. – Тошкент: ЎзХИА, 2019; Жўраев З. Ал-Мовардийнинг “Ал-аҳком ас-султонийя” асари – мусулмон шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср): тар.фан.фал.док.(Phd)...дис. автореф.. – Тошкент: ЎзХИА, 2019; Грязневич Р.А. Ислам и государство. – С. 189-203; Ҳасанов А. Илк ислом жамияти: динийликдан дунёвийликка ўтиш. – Б. 26-31; Мунавваров З.И. Ислом ва дунёвий-маърифий давлат/“Ислом ва дунёвий-маърифий давлат” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари асосида. – Тошкент: Тошкент картография фабрикаси, 2003. – 292 б.

⁴ Treadwell W.L. The Political history of the Samanid state. – St John’s College: Trinity term, 1991; Yuriy Bregel. An historical atlas of Central Asia. – Boston: Brill, Leiden, 2003; Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 1990; Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. – Тошкент: Фан, 2007; İbrahim Kafesoğlu. Harezmsâhlar Devleti Tarihi. Türk tarih kurumu. – İstanbul: 2000.

Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари бошқарув тизими хусусиятларини аниқлаб бериш;

Марказий Осиёдаги Биринчи Ренессансга янгича бошқарув кўрсатган ижобий таъсирни асослаш ҳамда ҳозирги кунда илмий жамоатчиликка кенгроқ етказиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ислом динининг Марказий Осиё худудига ёйилиши оқибатида бошқарув тизимида содир бўлган ўзгаришлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини VIII-XII асрларда Марказий Осиёда ислом таълимотига асосланган янгича бошқарувнинг шаклланиши ва эволюцияси хусусиятларини очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг диалектик, таҳлил ва синтез, мантикийлик ҳамда манба ва адабиётларни қиёсий таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши узок давом этгани сабабли уни 2 босқичга бўлишдан кўра, 5 босқичга – 644-705 йй. – худуднинг ҳарбий ҳолатини ўрганиш, 705-715 йй. – Мовароуннахрнинг фатҳ (الفتوحات) этилиши, 715-750 йй. – диндан қайтган худудларга ҳарбий юришлар, 750-820 йй. – кўзғолонларни бостириш ва фаол тарғибот даври, 820-960 йй. – сомонийларнинг ғайридин қабилаларга қарши ғазавотларига бўлиб даврлаштириш тарихий жиҳатдан тўғри экани исботланган;

Аббосийлар давлатидаги мамлук (مملوك)лар тизими (қуллардан ташкил топган кўшин) аслида жанглarda мохир ва хожаларига садоқатли бўлган турк ва суғд чокарларидан иборат кўшин туридан ўзлаштирилганлиги аниқланган;

Қорахонийлар ислом бошқарувини (الإدارة الإسلامية) ўзлаштирган бўлса-да, уни миллийлаштириш мақсадида маҳаллий кўчманчилик анъана ва қадриятлари асосида ташкил этгани уларга хос “бирук” (بيروك), “ағичи” (أغيجي), “қушчи” (قوشجي), “човуш” (جاوش), “хайлбоши” (خيل باشي) сингари расмий лавозимларни таъсис этилиши мисолида далилланган;

VIII-XII асрларда давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда масжид (مسجد), мадраса (مدرسة) ва илмий марказ (الأكاديمية)лар шариатга мувофиқ савобни тўлиқ қилиш мақсадида фақатгина шахсий маблағлардан бунёд этилгани Иброҳим ибн Насрнинг Тамғач Буғрохон мадрасаси, Шамс Мулкнинг Намозгоҳ масжиди, салжуқий Султон Санжар томонидан қурдирилган Қусамия мадрасаси мисолида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк ислом даврида шаклланган араб халифалиги бошқарув тизими IX-X асрдан бошлаб Мовароуннахр хукмдорлари тарафидан ўзлаштирилиб, худудий ва миллий анъаналарга мос равишда янгидан ташкил этилгани пардадор (پردہ دار), доводдор (داوندار), таштдор (تشتدار), жашнигир (جشنگیر), қутвол (قتوال) ҳамда салор (سالار), сарҳанг (سرھنگ), сипоҳсалор (سپاهسالار) сингари расмий лавозимлар тўғрисидаги тарихий маълумотлар воситасида далилланган;

диссертацияда исломнинг Марказий Осиё халқлари диний эътиқодига айланиши натижаларидан бири сифатида шаклланган янгича бошқарув тизимининг қарор топиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида очиқ берилган;

Ғазнавийлар (977-1186 йй.) ва Қорахонийлар (840-1212 йй.) давлатлари инқирозининг асосий сабабларидан бири туркий қабилаларда кенг тарқалган уруғ-аймоқчилик муносабатлари экани аниқланган;

ислом даврида Мовароуннаҳрда жорий этилган амир (الامير), девон (الديوان), муҳтасиб (المحتسب), иқто (الاقطاع), вақф (الوقف), закот (الزكاة), хирож (الخراج) каби атамаларнинг функционал моҳиятига аниқлик киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда ўрта аср тарихнавислари томонидан ёзилган бирламчи манбаларнинг таржималари, уларга бағишланган тадқиқотлар ҳамда замонавий илмий асарлардан фойдаланилгани, унда холислик, объективлик, тарихийлик, қиёсий таҳлил методларига таянилгани, тадқиқотнинг натижалари амалиётга татбиқ этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти унда баён этилган назарий хулосалар ва амалий таклифлар ўзбек давлатчилигининг VIII-XII асрлардаги тарихи моҳиятини чуқурроқ англаш ва шу йўналишдаги кейинги илмий изланишлар учун асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундан олий ўқув юртларида “Диншунослик”, “Ислом тарихи”, “Этнография”, “Маданиятшунослик”, “Ўзбекистон тарихи”, “Манбашунослик” ва “Тарихшунослик” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши ва бошқарув тизимининг ўзгариши мавзусини ўрганиш натижаларига мувофиқ ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

Қорахонийлар ислом бошқарувини ўзлаштирган бўлса-да, уни миллийлаштириш мақсадида маҳаллий кўчманчилик анъана ва қадриятлари асосида ташкил этгани уларга хос “бирук” (мартабали меҳмонларни қабул қилувчи), “ағичи” (хазиначи), “қушчи” (ҳукмдор учун ов ташкил этувчи), “човуш” (кичик офицер), “хайлбоши” (отлиқлар бошлиғи) сингари расмий лавозимларни таъсис этилиши мисолида далиллангани ҳақидаги маълумотлар Дин ишлари бўйича қўмита буюртмаси асосида тайёрланган “Ёрдамчи тарихий фанлар” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 26 августдаги 02-03/6698-сон маълумотномаси). Натижада академия талабаларининг ўрта асрларда Марказий Осиёнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тарихига оид билимларини мукамаллаштиришга хизмат қилган;

VIII-XII асрларда масжид, мадраса ва илмий марказлар шариатга мувофиқ савоб мақсадида фақатгина шахсий маблағлардан бунёд этилгани Иброҳим ибн Насрнинг Тамғач Буғрохон мадрасаси ва Шамс Мулкнинг Намозгоҳ масжиди ҳамда салжуқий Султон Санжар томонидан қурдирилган

Қусамия мадрасалари мисолида исботлангани ҳақидаги хулосалардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази буюртмаси асосида тайёрланган “Ўрта аср шарқ алломалари” энциклопедиясида фойдаланилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 22 июлдаги 02/353-сон маълумотномаси). Натижада Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бугунги шароитда ёш тадқиқотчиларнинг аждодлар илмий меросини янада чуқурроқ ўрганишга бўлган қизиқишларининг ортишига хизмат қилган;

Ислонинг Марказий Осиёга ёйилиш жараёнлари, минтақа араб халифалиги таркибига киритилиши натижасида унинг ҳудудида янгича бошқарув тизимининг қарор топиши, X асрдан бошлаб формал жиҳатдан араб халифалиги таркибидаги, лекин амалда мустақил бўлган Марказий Осиёдаги миллий давлатлар бошқарув тизимининг шаклланиши, унинг Биринчи Ренессансдаги роли ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази буюртмаси асосида чоп этилган № 24/8-2020, “Ислонинг Марказий Осиёга ёйилиши: Мовароуннаҳрда диний-маънавий ва илмий-маданий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши” лойиҳаси доирасида тайёрланган “Мовароуннаҳр илмий марказлари” альбом-китобда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислон цивилизацияси марказининг 2022 йил 8 августдаги 589-сон маълумотномаси). Натижада жамоатчиликда Марказий Осиёдаги илм-фан марказларининг ташкил этилиши ва тараққиёти ҳақидаги билимларнинг бойишига хизмат қилган;

Аббосийлар давлатидаги мамлук (مملوك)лар тизими (қуллардан ташкил топган кўшин) аслида жанглarda моҳир ва хожаларига садоқатли бўлган турк ва суғд чокарларидан иборат кўшин туридан ўзлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар Дин ишлари бўйича кўмита буюртмаси асосида тайёрланган “Вспомогательные исторические дисциплины” номли ўқув кўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон буйруғи). Натижада талабаларнинг Марказий Осиёда ислон динининг ёйилиши ва унинг бошқарув тизимига таъсири ҳақидаги билимларини ортишига хизмат қилган;

Ислонинг Марказий Осиёга ёйилиш жараёнлари, минтақа араб халифалиги таркибига киритилиши натижасида унинг ҳудудида янгича бошқарув тизимининг қарор топиши, X асрдан бошлаб формал жиҳатдан араб халифалиги таркибидаги, лекин амалда мустақил бўлган Марказий Осиёдаги миллий давлатлар бошқарув тизимининг шаклланиши, унинг Биринчи Ренессансдаги роли ҳақидаги хулосалардан “Ўзбекистон тарихи” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Тарихий савол” тизимли кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 04 мартдаги 02-40-315-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув мавзулари илмий асосланган ва миллий давлатчилик шаклланиш жараёнлари ҳамда илм-фан тараққиётининг юзага чиқиш босқичлари ҳақида томошабинларнинг тарихий билимлари ортишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан, 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Марказий Осиё VIII-XII асрлар тарихининг манбашунослик тавсифи”** номли биринчи бобида ўрта асрларда Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими ҳақидаги маълумотларни мужассамлаштирган бирламчи манбалар тавсифланган, мазкур ҳудуднинг ислом давридаги бошқарув тизимига оид илмий-назарий ёндашувлар кўриб чиқилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида Марказий Осиё араб халифалиги таркибига киритилиб, ҳудудда янгича бошқарув жорий бўлгач, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда содир бўлган жараёнлар ҳақидаги араб, форс ва маҳаллий тарихнавислар томонидан яратилган бирламчи манбалар таҳлил қилинган. Унда мавзуга алоқадор ўнга яқин бирламчи манбаларнинг хусусиятлари, тузилиши ҳамда мавзуга оид қирралари очиб берилган. Жумладан, Марказий Осиёда исломгача мавжуд бўлган динлар ва уларнинг бошқарув тизимига таъсири ҳақида Абу Райхон Берунийнинг “ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”, Мовароуннаҳрнинг фатҳ этилиши ва маҳаллий бошқарув тизимининг ўзгариши бўйича маълумотларни ўзида мужассам этган Абубакр Аҳмад ибн Яҳё Жобир Балозурий (вафоти 278/892-93 й.)нинг “Футух ал-булдон”, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг (839-923) “Тарих ар-русул ва-л-мулук”, Абу Саид Абдулхай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий (ваф. 1061 й.)нинг “Зайнул ахбор” каби асарларининг манбашунослик таҳлили амалга оширилган. Ислом қарор топгач, ҳудудда ташкил топган турк-мусулмон сулолаларининг келиб чиқиши, ярим мустақил давлатларнинг шаклланиши, уларнинг бошқарув тизими хусусиятларига оид маълумотлар ўз аксини топган Абу Бакр Муҳаммад ибн Жарир Наршахий (899–960)нинг “Бухоро тарихи”, Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Котиб ал-Байҳақий (995–1077)нинг

“Тарихи Масъудий”, Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад (1160–1233)нинг “ал-Комил фит-тарих” асарлари ўрганилган. Марказий Осиёдаги мусулмон сулолалари бошқарув тизими тузилмаси, Салжукийлар давридаги сиёсий ҳаёт, Сомонийлар бошқарув тизимида турк ғуломларининг ўрни, Қорахонийлар саройи ходимларининг маиший аҳволи, Сомонийлар давлатидаги унвонлар бўйича муҳим маълумотларни ўзида ақс эттирган Низомулмулкнинг (1018–1092) “Сиёсатнома” (“Сияр ал-мулк”) асари кўриб чиқилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи Марказий Осиё бошқарув тизимига доир илмий-назарий ёндашувларни ўрганишга бағишланган. Марказий Осиёнинг IX–XII асрлардаги давлат бошқаруви ва унинг эволюцияси, умумий тарихий тадқиқотлар, муайян сулолага бағишланган асарларда қисман кўриб чиқилган бўлиб, уларда диссертация мавзуси билан боғлиқ жузъий маълумотларни учратиш мумкин. Марказий Осиё тарихи, этнографияси, давлатчилиги, суд-ҳуқуқ тизими, минтақада кечган диний жараёнлар ва бошқа жиҳатларга бағишланган маҳаллий тадқиқотлар ҳамда турк, инглиз ва рус тилларидаги изланишларнинг моҳияти тарихшунослик бўлиб, уларда сўнгги йилларда турли мунозараларга сабаб бўлаётган сомонийларнинг келиб чиқиши ҳақидаги масалага ҳам мурожаат қилинган. Параграфда мазкур баҳсли муаммонинг бирламчи манбалар ва замонавий тадқиқотларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлиliga асосланган муаллифнинг талқини таклиф этилган. Масалани ўрганиш жараёнида ўзбекистонлик олимлар томонидан Марказий Осиёнинг ўрта асрлар даври, хусусан, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар каби ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим даврларига оид тарихий хариталар ҳанузгача яратилмагани, ушбу давр тарихий картографиясини ўрганишда рус ва Ғарб географлари ҳамда тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган хариталардан фойдаланиб келинаётганига урғу берилган.

Сомонийлар ҳукмронлиги исломга асосланган янгича сиёсий бошқарув тизимининг қарор топишида ҳамда Биринчи Ренессанснинг юзага чиқишида катта аҳамият касб этгани, ушбу даврни янада чуқурроқ ўрганиш долзарб илмий вазифалар қаторига кириши ҳақидаги ёндашувлар асосланган. Мазкур бўлимда кўриб чиқилган материаллардан миллий давлатчилик тарихига оид ўрта аср манбаларининг ўзбек тилига таржима қилишни жадаллаштириш лозимлиги ҳақида хулоса чиқарилган.

“Ислонинг Марказий Осиёга ёйилиши ва маҳаллий бошқарув тизими” деб номланган иккинчи боб исломнинг кириб келиши арафасида минтақада кечган сиёсий жараёнлар ҳамда маҳаллий динларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва бошқарув тизимига таъсири, исломга асосланган бошқарув тизимининг шаклланиш жараёнлари ҳамда Марказий Осиёнинг халифалик таркибига киритилиши ва бу ердаги бошқарув тизимида янгича тартиб-қоидалар ўрнатилишининг тарихий аҳамиятини очиқ беришга қаратилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфидан Марказий Осиё араблар келгунча Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлиб, ўн бешта майда “мустақил” шаҳар-

давлатларга бўлиниб кетгани таъкидланади. Уларга Бухоро вилояти, Самарқанд ва унга қарашли бўлган Суғд вилояти, Уструшана, Шош, Фарғона, Илок, Кеш, Насаф, Дабусия, Сағониён (Чағониён), Термиз, Қубодиён, Ахсисак, Хуттал (Хутталон) ва Хоразм ноҳиялари кирган⁵. Бироқ амалда ўлка кўк-турклар ёки уларга тобе бўлган хон, тархон, ябғу, тегин, тудун каби унвонларга эга турк хукмдорлари томонидан бошқарилган.

Исломдан аввал Марказий Осиёда амалда бўлган зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, маздакийлик, кўктангричилик, несторианлик каби ўнга яқин дин ва эътиқодий қарашларнинг баъзилари бошқарув тизимига таъсир ўтказиб тургани тарихий манбалар ва илмий асарлардаги маълумотлар асосида очиқ берилган. Жумладан, Турк хоқонлигида кўктангричилик эътиқоди давлат бошқарувининг асосини ташкил этган. Унга кўра, Осмон (Тангри), ер ва сув кучи, хоқон иродаси турк халқи учун ғоявий асос вазифасини ўтагани, қадимги туркларда хоқон бирлик, озодлик ва мустақиллик рамзи бўлгани, хоқонлик ҳудудида ягона улғу хоқоннинг ҳукмронлик қилиши шарт ҳисобланиб, унга Тангри (худо) ва будун (халқ) ўртасидаги боғловчи сифатида қаралгани далилланган. Диний омилнинг туркий элатлар ҳаётига таъсири ҳақидаги муҳим маълумотлар, жумладан, туркий қабилалар ўртасида буддавийликни ёйишга интилишларга муносабат ёритилган. Хусусан, VIII асрда Билге хоқон (716-734) Ўрхунда буддавийлик ибодатхоналари қуриш фикрини ўзининг оқил вазири ва қайнотаси Тўнюкқу билан маслаҳатлашганда, у буддавийлик ҳалимлик ва мискинликни тарғиб этгани учун кўчманчи туркларнинг ҳаёт тарзи ва жанговар руҳиятига зид эканлиги, у жорий қилинган тақдирда сон жиҳатдан устун бўлган хитойлар қаршида мағлубиятга учраши муқаррарлиги ҳақида фикр билдиргани⁶ таъкидланиб, диний омилнинг сиёсий-ҳарбий жараёнларга таъсири ўша даврлардаёқ катта бўлгани ҳақидаги хулосага келинган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи асосан, исломга асосланган бошқарув тизимининг шаклланиш жараёнларига бағишланган. Ислом цивилизацияси ўзига хос давлат бошқаруви, қонунчилиги, иқтисоди ва илм-фанга бўлган алоҳида эътибори билан бошқа цивилизациялардан фарқланиб туради. Ушбу бўлимда ислом бошқарувининг ташкил топишидан то Аббосийлар халифалиги таркибидаги “мустақил” мусулмон сулолалари томонидан тўлиқ ўзлаштириладиган даражадаги шаклланиш эволюцияси очиқ берилган. Ҳижратнинг дастлабки кунлариданоқ, Муҳаммад (с.а.в) бошчиликларида муҳожирлар, ансорлар ва яҳудийлар ўртасида “ас-Саҳифа” битими тузилди. Унинг 16 банди мусулмонларга, 12 банди Мадинадаги мусулмонларга энг яқин қўшни бўлган яҳудийларга тааллуқли бўлиб, ушбу аҳднома ислом бошқаруви асосларининг ташкил этилиши йўлидаги дастлабки қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Халифаликдаги илк *девон* халифа Умар ибн Хаттоб (р.а)даврида жорий этилган бўлиб, унда давлатдан нафақа олиш ва аскарларга маош бериш ишлари рўйхатга олинган⁷. Умар ибн Хаттоб (р.а)

⁵ Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр/араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 2011. – Б. 30.

⁶ Турон У. Туркий халқлар мафқураси. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б. 64.

⁷ Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб

даврига келиб, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаси тубдан ўзгарди. Девон тизими Сосонийлар давлатидан ўзлаштирилган бўлса-да, унинг моҳиятини шариат аҳкомлари ташкил этди. Халифа Умар ибн Хаттоб (р.а)нинг мақсади Куръони карим ва Муҳаммад (с.а.в)нинг суннатлари, шариат таълимотлари асосида дунёдаги энг мукаммал, ҳаётнинг барча соҳаларида энг намунали жамият куришни таъминлаш эди. Илк ислом даврига хос бошқарув қонунлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлашгина эмас, балки ижтимоий таъминот билан боғлиқ ҳамда таълимий-тарбиявий масалаларни ҳам қамраб олди. Айниқса, Умар ибн Хаттоб (р.а) даврида ижтимоий таъминот масалаларида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Хусусан, Пайғамбар (с.а.в) аёллари, Бадр ва Уҳуд жанги қатнашчилари, Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар, Макка шаҳрининг олиниши ва ундан кейинги жангларда иштирок этганлар, аскарларнинг бевалари ва етим болаларга нафақалар тайинлангани, шунингдек, қариялар, аввалига сутдан ажратилган, кейинчалик эмизикли гўдакларга ҳам нафақалар жорий этилгани, табиий офатлардан азият чекканларга ёрдам кўрсатиш, бир ўлкадан бошқа ўлкага инсонпарварлик ёрдамни ташкил этиш каби тадбирлар шу даврдан бошланган. Умар ибн Хаттоб (р.а) даврида давлат канцелярияси кенгайиб, котибларга бўлган эҳтиёж ортгани туфайли котиблик девони ташкил этилди. Умавийлар даврига келиб, мактублар котиби, ҳарбий котиб, харождлар (хирож) котиби, шурта хизмати котиби, қозилик котиби лавозимлари таъсис этилди⁸. Бошқарув соҳасида амалга оширилган ишлардан халифаликнинг пул-молия сиёсати, *омил*⁹ лавозимининг эволюцияси, Умавийлар даврида халифаликнинг маъмуриятидаги ўнта девон фаолияти, Аббосий халифа Абул Аббос Мутталиб Саффоҳ (104-136/722-754) – ислом давлатида биринчи бўлиб вазир лавозимини жорий этгани ва унинг ҳукмронлиги даврида девонларда “араб” сўзининг ўрнига “мусулмон” сўзи ишлатила бошлангани каби масалалар ҳақида атрофлича маълумотлар берилган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида Марказий Осиёнинг араб халифалигига кўшиб олиниши жараёнлари, куч ишлатиш ёки тинч йўл билан қўлга киритилган шаҳарларда янгича тартиб-қоидаларнинг жорий этилиши, арабларга қарши ҳарбий иттифоқлар фаолияти, забт этилган ҳудудлардаги арабларга қарши исёнлар ҳамда минтақанинг фатҳ этилишида Қутайба ибн Муслимнинг роли бирламчи манбалар асосида ёритилган.

“Ислом даври бошқарув тизимининг Марказий Осиёдаги биринчи ренессансга таъсири” деб номланган учинчи бобда минтақадаги биринчи турк-мусулмон сулоласи – Сомонийлар давлатининг ташкил топиши, унинг тасарруфидаги ҳудудлар, Сомоний ҳукмдор Исмоил ибн Аҳмад томонидан

тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: ТошДШИ, 2017.– Б. 340.

⁸ Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи./Масъул муҳаррир З.Саидбобоев. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2019. – Б. 133.

⁹ Омил – араб., “хизматчи”, “ишчи”, дастлаб Муҳаммад алайҳиссалом исломни қабул қилган қабила ёки шаҳар аҳлига дин асосларини ўргатиш учун муаллимлар тайинлар эди. Кейинчалик муаллимлар мансаби омил мансаби билан ўзгартирилган. Абу Бакр Сиддик даврида омиллар ёнига алоҳида садақалар омили мансабдори ҳам қўшилган. Улар закотларни йиғиш билан шуғулланган.

пойтахтнинг Самарқанддан Бухорога кўчирилишининг сабаблари, сомонийлар аббосийлар каби суннийлик мазҳабини маҳкам тутиб, унга хизмат қилгани, хутбани аббосийлар номига ўқитиб, пулларини ҳам уларнинг номи билан зарб қилдиргани сабаблари бирламчи манбалар ва сўнгги йиллардаги тадқиқотларни қиёслаш асосида ёритилган. Сулола асосчиларидан бири ўта тақводорлиги билан шуҳрат қозонган Аҳмад ибн Асаднинг ўттиз йиллик ҳукмронлиги даврида бошқарув тизимида коррупцияга йўл қўймагани ҳақидаги бирламчи манбалардаги маълумотларга асосланган таҳлил амалга оширилган¹⁰.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида Сомонийлар Саффорийлар ва Зайдийлар каби аббосийларга қарши чиққан давлатларни маҳв этишга халифаларга ёрдам бергани очиб берилган. Айниқса, Исмоил Сомонийнинг Хуросонни эгаллаши ва ўз давлатига қўшиб олиши, шиа оқимидаги Саффорийлар давлатининг тугатилишида асосий ўрин тутди. Хуросон бошқаруви саффорийлар қўлидан кетгач, Сомонийлар халифаликнинг “Девон ал-Машрик” деб аталувчи шарқий вилоятларидан бири бўлган Хуросоннинг волийлари сифатида амир унвонини қўлга киритдилар. Наршахийга кўра, Нух ибн Насргача (ҳукмронлик йиллари 943-954) бўлган сомоний ҳукмдорлар – *амир*, Абдумалик ибн Нух (954-961) ва ундан кейингилари *малик* деб аталган¹¹. Ушбу бандда, шунингдек, сомонийларнинг турли унвон ва кунялар билан аталганликлари, жумладан, Исмоил ибн Аҳмад “амир ал-адл” (адолатли амир) куняси билан, Наср ибн Аҳмад “ал-амир ас-саъид” (бахтли амир), Нух ибн Наср “ал-амир ал-ҳамид” (мақталгувчи амир), Абдул Малик ан-Нух “ал-амир-ал-муайяд” (содик амир), Мансур ибн Нух эса “ал-амир ас-садид” (муваффақиятли амир), Нух ибн Мансур “ал-амир ар-ризо” (ризоликка (яхшиликка) мойил амир) ва “ал-амир ар-рошид” (зукко амир), Исмоил Сомоний вафотидан сўнг “Амири мозий” яъни “дунёдан ўтган амир” каби номлар билан аталганликлари сабаблари очиб берилган.

